**“ТАСДИҚЛАНГАН”**
**“Tenge Bank” АТБ Ягона акциядорининг 2021 йил “___” ___________ даги Қарорига асосан (“Қозоғистон Халқ банки” АЖ Директорлар кенгашининг 2021 йил “16” июня даги сиртқи йиғилишининг “28”-сонли баённомаси)**

# “TENGE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЯГОНА АКЦИЯДОРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

**(Янги таҳрири)**

**ТОШКЕНТ ш. – 2021 й.**

# I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур "Tenge Bank" Акциядорлик тижорат банки Ягона акциядори тўғрисида Низом (бундан буён матнда – "Низом") Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида" (янги таҳрири), "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" (янги таҳрири), "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек "Tenge Bank" АТБ (бундан буён матнда – "Банк") Уставига ҳамда Банкнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом Банк Ягона акциядори (бундан буён матнда – "Ягона акциядор") томонидан қарорларни кўриб чиқишга ва қабул қилишга тайёргарлик тартибини, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банк Уставига асосан Ягона акциядор ваколатларига киритилган қарорлар қабул қилиш тамойилларини ва улар бажарилиши жараёнини назорат қилиш ташкиллаштирилишини белгилайди.

3. Ягона акциядор Банкнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

4. Банк Ягона акциядорининг барча қарорлари "Қозоғистон Халқ банки" АЖ Директорлар кенгаши томонидан қабул қилинади ҳамда Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

5. Ягона акциядорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилишнинг зарур шарти қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги таъминланадиган ва Банкнинг барча таркибий бўлинмалари томонидан уларга сўзсиз риоя қилинадиган тарзда қарорларни қабул қилиш регламенти ва тартиб-таомилларини белгилашдан иборат.

6. Ягона акциядор ҳар йили Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиши ва улар бўйича қарорлар қабул қилиши шарт (Банк Ягона акциядори томонидан қарорлар қабул қилиниши). Банк ҳар йили молия йили тугаганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай йил якунларини чиқариши шарт.

7. Банкнинг йил учун молия-хўжалик фаолияти якунларини чиқариш санаси Банк Ягона акциядори томонидан Банк Кузатув кенгашининг ташаббусига асосан белгиланади.

# II. БАНК ЯГОНА АКЦИЯДОРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

8. Банк Ягона акциядорининг алоҳида ваколатига Банк Уставининг 40.1.1-бандида белгиланган масалалар тегишлидир.

# III. БАНК ЯГОНА АКЦИЯДОРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Банк Ягона акциядори қуйидагиларга ҳақли:

1) унинг Банк акциядорлари реестрига киритилиши;

2) депозитарийда депо ҳисобварағидан ўзига тегишли кўчирмалар олиш;

3) дивидендлар шаклида Банк фойдасининг қисмини олиш;

4) Банк тугатилган ҳолатда мулкнинг бир қисмини олиш;

5) Умумий йиғилиш ваколатига кирувчи қарорлар қабул қилиш орқали Банк бошқарувида иштирок қилиш;

6) белгиланган тартибда Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва асосли ахборот олиш;

7) олинган дивиденддан эркин фойдаланиш;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда, Банк томонидан унга тегишли акциялар қисми сотиб олинишини талаб қилиш;

9) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

10) белгиланган тартибда унга етказилган зарарлар ўрнини тўлдириш;

11) ўз манфаатларини тақдим қилиш ва ҳимоялаш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига аъзо бўлиш;

12) эҳтимолий зарарлар, шу жумладан қимматли қоғозларни харид қилишда бой берилган фойдалар билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш;

13) Банк фаолияти тўғрисида керакли ахборотни талаб қилиш, банк сирига ва махфий ахборотга тегишли маълумотлар бундан мустасно.

Ягона акциядор қонун ҳужжатларига ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Ягона акциядор қуйидаги мажбуриятларга эга:

1) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқликни таъминлаш учун Банк томонидан талаб қилинадиган ахборотни тақдим қилиш;

2) ўз акцияларига ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатадиган депозитарийни ўз маълумотлари ўзгаришлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

3) банк сирига ва махфий ахборотга тегишли маълумотларни ошкор қилмаслик;

4) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажариш.

## IV. БАНК ЯГОНА АКЦИЯДОРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

11. Ягона акциядор ваколатларига киритилган масалалар Банк Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиш учун киритилади. Ягона акциядор томонидан масалалар кўриб чиқилиши учун материаллар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Банк Кузатув кенгаши Раиси томонидан имзоланган Банк Кузатув кенгашининг асосланган қарори, шу жумладан масаланинг Ягона акциядор ваколатларига тегишлилиги асоси;

- кўриб чиқилаётган масалалар бўйича ахборот (материаллар) рўйхати.

Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш ваколатларига тегишли бўлган, муайян масала қўйилишини ўз ичига олмаган (шу жумладан, «турли», «ўзга», «бошқа» ва ҳ.к.) ифодаланишларга эга масалалар кўриб чиқилиши мумкин эмас.

12. Банкнинг йиллик ҳисоботи, Банк Тафтиш комиссияси ва ташқи аудитор томонидан Банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича тузилган хулосаси, Банк Кузатув кенгашининг Банк Бошқарув Раиси лавозимига номзод тўғрисидаги ёки Банк Бошқарувининг амалдаги Раиси билан шартнома муддатини узайтириш имконияти тўғрисидаги тавсиялари, Банк Кузатув кенгаши ва Банк Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, зарур ҳолларда, Банк Уставига ўзгартишлар киритилиши, Банк Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёки янги таҳрирдаги Банк Устави Банк Ягона акциядори ваколатларига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун Банк Ягона акциядорига тақдим қилиниши шарт бўлган ахборотга (материалларга) тегишлидир.

13. Банк Ягона акциядори ваколатларига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун Банк Ягона акциядорига тақдим қилиниши шарт бўлган қўшимча ахборот (материаллар) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

## V. БАНК ЯГОНА АКЦИЯДОРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ЯГОНА АКЦИЯДОР ҚАРОРЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

14. Банк Ягона акциядори ваколатларига киритилган масалалар бўйича Банк Ягона акциядорининг барча қарорлари ёзма шаклда расмийлаштирилади.

15. Банк Ягона акциядорининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кечиктирилмай расмийлаштирилиши керак.

16. Банк Ягона акциядори томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги хабарлар Акциядорлик жамияти фаолиятида муҳим фактлар тоифасига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда «Openinfo.uz» корпоратив ахборот ягона порталида ва Банкнинг корпоратив сайтида эълон қилинади.

## VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17. Мазкур Низом, шунингдек унга ўзгартишлар ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгаши тавсиялари асосида Банк Ягона акциядори томонидан тасдиқланади.

18. Агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари ўзгариши натижасида мазкур Низом талаблари уларга зид келиб қолса, мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритилгунгача ушбу талаблар ўз кучини йўқотади, ушбу вақт даврида Банк Ягона акциядори Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига амал қилади.

19. Банк Ягона акциядори тўғрисидаги маълумотлар Банкнинг корпоратив сайтида эълон қилинади.